

100 ЁШЛИ МОМОНИНГ ТИЛАКЛАРИ

Бозоргул момо ялпизни, райхонни жуда суяди. Куклам келди дегунча ховлидаги гулзордан, арик бўйларидан райхону ялпизларни териб, келинига, невараларига “Мана буларга бошқа барра кукатларни ҳам қушиб, сомса ёпинглар, бир туйиб ейлик, эрта баҳордагиси танга дармон, минг дардга даво бўлади” дейдилару ўзлари ҳам турмай қарашиб юборадилар. Юз ёшдан ошган бувиларининг гайрати уларга ҳам ўтиб, ҳамма бирдек сомсага унаб кетади. Сомса пишгач, қўни-қўшнилар чорланади, катта, тукин дастурхон атрофида ҳамма туплангач, Бозоргул момо узундан узун дуо ўкиб, ҳаммага бирма-бир тилак билдиради:

– Умрларингиз узун, тани-жонингиз соғ, ризқ-насибангиз бутун, рўзгорингиз файзу баракали, мартабангиз улуг, юрган йўлларингиз беҳатар бўлсин, ўгил-қизларингизнинг роҳатини қўриб юринг, сердават, серфарзанд бўлинг, юртимиз тинч, подшоҳимизнинг боши омон бўлсин.

Сирдарё туманидаги Охунбобоя сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудда истиқомат қилувчи барча кишилар бу табаррук момони ўз оналаридек, бувиларидек суйишади, эъзозлашади. Ким сафарга отланмокчи, кимнинг фарзанди ўқишга кирмокчи бўлса, яна биров хайрли бир иш бошламокчи ёки қишлоқда ким туй-тантана қилмокчи бўлса, албатта момонинг дуосини олгани келади. Ҳа айтгандек, чақалоқни бешикка солиш, эндигина атак-чечак қилаётган болакайлар учун “Тушовузди” удуми борми, янги келинчакларнинг “Келин саломи” борми ва яна бошқа ирим-сиримлару одатлар борми, барчасига Бозоргул момони таклиф қилишади, дуоларини олишади, сиздай умри узун, бахти бекам бўлсин, дея ният қилишади.

Момо асли Форишнинг Ухум қишлоғидан. У 1898 йили таваллуд топган, яъни уч асрнинг юзини қурган. Беш фарзандни тарбиялаб, вояга етказиб, уларнинг роҳатини қўриб юрибди. Ҳозир салкам 60 йилдан бери уюшманинг Халос Раҳматов маҳалласида умргузоронлик қилади. Момонинг умр йўлдоши Анвар бобо уруш қатнашчиси бўлган. Унинг бутун умри далада ўтган, қўп йиллар колхозга раҳбарлик қилиб, эл-юрт ташвишида кексайган, назарга тушган инсон бўлган экан. Фарзандларининг каттаси Шаҳринисо ая

70 ёшни коралаб қолди, Жиззах шаҳрида яшайди, қарилик ғанитини сураяпти. Хидоят опа Сирдарё туманидаги 31-мактабда ўқитувчи, Инобат эса Гулистон давлат университетида дарс беради. Шодибой катта оила бошлиғи, табаррук ёшли онасининг ҳурматини жойига қўяди, фарзандлари, набиралари момонинг хизматида.

Момони қурсангиз, юз ёш бермайсиз (илоҳим кўз тегмасин). Қадамлари дадил, қадди тик, ҳафтада кишлоқни бир айланмаса, кунда-кунора қўни-қўшниларни йўқламаса кўнгли жойига тушмайди. Айниқса, момонинг кўзойнаксиз урчукда ил йиғириб, кўрпа-тушак қавиганини қурсангиз ҳайратга тушасиз, гаплашсангиз суҳбатига тўймайсиз. Момо сўзидан ҳеч бир адашмай етти авлод-аждодини беҳато айтиб, ҳар бирига таъриф беради. Бозоргул момо набиралари, чевараю эвараларининг саноғига баъзан етади, баъзан етмайди. Қиз бола чевара, эваралари тўпланиб қолишса, ёнига ўтказиб, кўлларига игна-ип тутказиб, бичиш-тикишни ўргатади: “Пазанда, хушхулқ, хушсуз, тежамли бўлсангиз, тушган жойингизда кадр топасиз, рузгорларингизга барака киради” дейди.

Табаррук момонинг ажойиб хислатлари, ўтмиши билан боғлиқ қизиқ воқеалар ҳақида унинг ўзини қийнаб қўймайлик, дея момонинг энг суюкли фарзанди Инобат Шириновадан сураймиз. Чунки Бозоргул момо болалигидан Инобат опани ёнига олиб, унга ўтмиши, тақдири ҳақида сўзлар, узун кечалари эртақлар айтиб берарди.

– Онажонимнинг бир фазилати ҳаммамизга ибрат, ҳаётдан, замондан сира нолимайди, доимо бориға ҳам, йўғига ҳам шукр қилиб яшаб келяпти, – дейди у. – Телевизор томоша қилади, бошқа юртлардаги нотинчликларни, урушларни кўрганида, биз қандай қийинчиликларни кўрганмиз, бир бурда қора нонга арзанда бўлган замонларда ҳам нолиган эмасмиз. Шундай тўкин, фаровон замонда яшаётганларингга, болаларинг соғ-омон ўқиб, ишлаб юрганларига шукрона айтинглар, ўйнаб-қулинглар, дейди онажоним. Менга жуда суяниб қолган, ишдан баъзан кеч қолсам ёки бирор юмуш билан узоқ сафарга чиқсам келгунимча ухламай йўл қараб ўтиради. Нега ундай қиласиз, десам, сен мен учун ҳамон боласан, дейди. Қишли, қировли кунларда иссиқроқ қийин, шамоллаб қоласан, деб боладай тайинлайди. Аслида, кексаларнинг ўзи болага ўхшаб

колишаркан. Яқинда жиянимни уйлантирамиз, шунга онажонимнинг табаррук айёмини ҳам қўшиб ўтказиш ниятимиз бор. Онажоним бу кунни интиқлик билан кутяпти, тўйда роса уйнайман дейди.

Дарвоқе, момо болалигидан Инобат опани ўқишга иштиёқи баланд, зукко эканлигини билибми, бу қизим олим бўлади деркан. Мана, табаррук онахон уша кунларни кўрди, Инобат Ширинова бугун олима бўлди. У 22 йилдан бери ГулДУда талабаларга сабоқ беради. Биология фанлари номзоди, доцент, айти пайтда эса докторлик ҳимоясини қилиш арафасида турибди.

– Буларнинг ҳаммаси онажонимнинг дуолари шарофати, ҳар тонг уларнинг дуоларини олмай йўлга чиқмайман. Онажоним – уйимизнинг фариштаси, – дейди олима.

Ҳа, табиатнинг шундай гузал фаслида умрининг 101-баҳорини қаршилаётган Боторгул момога қараб, шоира айтганидек, Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, деган гапларни яна бир қарра ёдга оламиз ва табаррук момога соғлик, бардамлик тилаймиз.

Холида ПАРДАБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.
(2009 йил 21 март, “Сирдарё ҳақиқати”)

